
ПОРЛОҚ НОМИГА МОНАНД БЎЛМОҚДА

Туман марказидан олисда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири Порлоқдир. Бу маҳаллада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хусусан электр энергияси тизимини яхшилаш мақсадида 115 та таянч, 3,5 км тармоқ тортилиб, 160 кВАли ТП ўрнатилди. Бу ишларнинг бажарилиши учун 605 миллион маблағ сарфланди.

-- Ёшлар кўчасига чиққанимизга 15-20 йил бўлди, -- дейди шу кўчада яшовчи Одинахон Назарова.

-- Қўлбола ясалган ёғоч столбалар яроқсиз ҳолатга келиб қолганди. Ҳукуратимиз томонидан маҳалламиз кўчаларининг электр тармоқлари янгиланишига эришилди. Бу ишларда иштирок этган барчага раҳмат.

Ҳа, Порлоқда электр энергиясини яхшилаш бўйича талайгина ишлар амалга оширилибди. Порлоқ номига монанд бўлибди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-12-09 14:14:17